

*Samargand*

2022, №3.1 (107)

ISSN 2181-466X

Oktor  
Axborotnomasi





Учредитель:  
САМАРКАНДСКИЙ  
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
МЕДИЦИНСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИКНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
\*\*\*\*\*  
МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ДОКТОР АХБОРОТНОМАСИ  
ВЕСТНИК ВРАЧА  
DOCTOR'S HERALD

Журнал входит в перечень научных журналов  
и изданий, рекомендованных ВАК при  
Кабинете Министров Республики Узбекистан  
при защите докторских диссертаций

UCH OYLIK  
ILMIY-AMALIY JURNAL  
1997 yilda t.f.d. J. A. Ahtamov  
tomonidan tashkil etilgan

ЕЖЕКАРТАЛЬНЫЙ  
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ  
ЖУРНАЛ  
Основан в 1997 году  
д.м.н. Дж. А. Ахтамовым

QUARTERLY SCIENTIFIC  
AND PRACTICAL JOURNAL  
Founded in 1997  
by ph.d. J. A. Akhtamov

*Адрес редакции:*  
Республика Узбекистан, 140100, г. Самарканд,  
ул. Амира Темура, 18.  
Тел.: +998 97 9291009  
*e-mail:* vestnikvracha.vv@gmail.com  
*Дополнительная информация:*  
vestnikvracha.uz

Журнал перерегистрирован в  
Самаркандском областном  
управлении печати и информации  
01 июля 2016 года  
(регистрационный № 09-35).

Разрешено к печати 30.09.2022  
Формат А4. Гарнитура Times New Roman.  
Объем 14,09 усл. п.л. Тираж 100 экз.  
Отпечатано в типографии Самаркандского  
государственного медицинского университета  
Заказ №406

№ 3.1 (107)  
2022 yil

<http://doi.org/10.38095/2181-466X-20221073>  
ISSN 2181-466X

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Главный редактор:  
Ж. А. Ризаев

Зам. главного редактора:  
Б. Б. Негмаджанов

Ответственный секретарь:  
В. О. Ким

А.А. Абдукадыров, Л.М. Абдуллаева,  
А.А. Абдусалямов, Л.Р. Агабабян,  
Т.У. Арипова, Ж.А. Атакулов,  
А.А. Ахмедов, Ю.М. Ахмедов,  
А.Т. Джурабекова, Ш.Х. Зиядуллаев,  
Ш.Б. Иргашев, З.С. Камалов,  
З.Б. Курбаниязов, В.И. Лим,  
Г.У. Лутфуллаев, С.Э. Мамараджабов,  
С.Н. Пардаев, А.В. Полевщиков,  
Р.Ю. Рузibaev, Г.У. Самиева,  
А.Т. Сафаров, А.М. Хайдаров,  
Г.А. Хакимов, Х.Т. Хамраев,  
Т.Р. Хегай, Н.М. Шавази,  
А.М. Шамсиев, Р.Х. Шарипов,  
А.Ш. Шодиев, К.Э. Шомуродов,  
А.А. Юсупов, Н.А. Ярмухамедова

<b>Ф. С. Орипов, Ф. И. Холхўжаев, Д. Д. Хусайнбаев</b> ПОСТРЕПРОДУКЦИОН ДАВРДАГИ ҚҮЁНЛАР СУЯК ТҮҚИМАСИ МИНЕРАЛ ТАРКИБИННИГ ЎЗИГА ХОС ЎЗГАРИШЛАРИ	42	<b>F. S. Oripov, F. I. Kholkhujaev, D. D. Khusainbaev</b> SPECIAL CHANGES IN THE MINERAL COMPOSITION OF BONE TISSUE IN RABBITS IN THE POST-REPRODUCTION PERIOD
<b>М. Б. Сайфуллаев, А. Г. Гадаев, Р. И. Туракулов</b> КАРДИОРЕНАЛ СИНДРОМДА АЛЬДОСТЕРОН ВА ГАЛЕКТИН-3 КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ СОЛИШТИРМА ЎРГАНИШ	46	<b>M. B. Sayfullaev, A. G. Gadaev, R. I. Turakulov</b> COMPARATIVE STUDY OF ALDOSTERONE AND GALECTIN-3 INDICATORS IN CARDIORENAL SYNDROME
<b>Г. Н. Собирова, З. О. Бафоева, Г. А. Жумаева</b> ПОСТКОВИД СИНДРОМЛИ БЕМОРЛАРДА ИНДИВИДУАЛ РЕАБИЛИТАЦИЯ ДАСТУРИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ	50	<b>G. N. Sobirova, Z. O. Bafoeva, G. A. Jumaeva</b> ASSESSMENT OF THE EFFECTIVENESS OF THE INDIVIDUAL REHABILITATION PROGRAM IN PATIENTS WITH POSTCOVID SYNDROME
<b>М. А. Фарманова</b> МЕТАБОЛИЧЕСКИЕ ЭФФЕКТЫ АНТИОКСИДАНТОВ ПРИ ХРОНИЧЕСКИХ ИНФЕКЦИОННЫХ ПАТОЛОГИЯХ	54	<b>M. A. Farmanova</b> METABOLIC EFFECTS OF ANTIOXIDANTS IN CHRONIC INFECTIOUS PATHOLOGIES
<b>Ф. М. Хамидова, А. М. Кадирова, А. В. Василенко</b> COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ТАЛАБАЛАРДА "ҚУРУҚ КЎЗ" СИНДРОМИНИ АНИҚЛАШИ	58	<b>F. M. Khamidova, A. M. Kadirova, A. V. Vasilenko</b> DETECTION OF DRY EYE SYNDROME IN STUDENTS DURING THE COVID-19 PANDEMIC
<b>Н. С. Шаджанова, З. М. Рузиев</b> COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ПЕРИФЕРИК ҚОН ТАҲЛИЛИНИНГ ЎЗГАРИШИ	62	<b>N. S. Shadzhanova, Z. M. Ruziyev</b> CHANGES IN PERIPHERAL BLOOD PARAMETERS IN PATIENTS WITH COVID-19
<b>А. А. Elmurodova</b> YANGI SARS-COV-2 OMIKRON SHTAMMIDAGI BOLALARDA COVID-19 KLINIK KECHISH XUSUSIYATLARI	66	<b>A. A. Elmurodova</b> CHARACTERISTICS OF THE CLINICAL FEATURES OF COVID-19 IN CHILDREN OF THE NEW SARS-COV-2 OMICRON STRAIN
<b>Х. Ш. Яхъяева</b> ЎРТАЧА ВА ОФИР ДАРАЖАДАГИ COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ҶАЛҚОНСИМОН БЕЗДАГИ ЎЗГАРИШЛАР	69	<b>Kh. Sh. Yakhyaeva</b> THYROID CHANGES IN PATIENTS WITH MODERATE TO SEVERE COVID-19
<b>ОБЗОР ЛИТЕРАТУРЫ</b>		
<b>Н. Ш. Ахмедова</b> СУРУНКАЛИ БҮЙРАК КАСАЛЛИКЛАРИ РИВОЖЛАНИШ МЕХАНИЗМИДА ГЕНЕТИК ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ДИАГНОСТИК ВА ПРОГНОСТИК АҲАМИЯТИ	73	<b>N. Sh. Akhmedova</b> DIAGNOSTIC AND PROGNOSTIC SIGNIFICANCE OF GENETIC CHANGES IN THE DEVELOPMENT MECHANISM OF CHRONIC KIDNEY DISEASES
<b>У. Д. Ибрагимов, А. Г. Гадаев, О. З. Абдухаликов</b> СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧЛИГИ ВА COVID – 19 ҲАМДА ЎПКА АРТЕРИЯСИ ГИПЕРТЕНЗИЯСИ	78	<b>U. D. Ibragimov, A. G. Gadaev, O. Z. Abdukhalikov</b> CHRONIC HEART FAILURE, COVID-19 AND PULMONARY ARTERIAL HYPERTENSION
<b>Н. Х. Мавлонов, С. Х. Фозилов</b> COVID-19 КАСАЛЛИГИ ВА ПОСТ-COVID-СИНДРОМ МУАММОСИ	83	<b>N. X. Mavlonov, S. Kh. Fozilov</b> DISEASE COVID-19 AND PROBLEM POST-COVID SYNDROME
<b>D. А. Madaripova</b> COVID-19 VA KLINIK LABORATOR DIAGNOSTIKA	86	<b>D. A. Madaripova</b> COVID-19 AND CLINIC LABORATORY DIAGNOSTICS

**КАРДИОРЕНАЛ СИНДРОМДА АЛЬДОСТЕРОН ВА ГАЛЕКТИН-3  
КҮРСАТКИЧЛАРИНИНГ СОЛИШТИРМА ЎРГАНИШ**

**М. Б. Сайфуллаев, А. Г. Гадаев, Р. И. Туракулов**

Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент, Ўзбекистон

**Таянч сўзлар:** сурункали юрак етишмовчилиги, кардиоренал синдром, галектин-3, альдостерон.

**Ключевые слова:** хроническая сердечная недостаточность, кардиоренальный синдром, галектин-3, альдостерон.

**Key words:** chronic heart failure, cardiorenal syndrome, galectin-3, aldosterone.

Ушбу мақолада сурункали юрак етишмовчилиги негизида ривожланган кардиоренал синдромда фиброз жараёнлари ривожланишида альдостерон ва галектин -3 (Г-3) ни тутган ўрни баҳоланган. Кузатувда бўлган хар учала гурухдаги беморларда организмдаги коллаген алмашини мувозанатида бевосита иштирок этувчи нейрогормонлар қатори Г-3 миқдорий кўрсаткичи референс кўрсаткичлардан статистик аҳамиятли даражада юқорилиги аникланди ( $p<0.05$ ). Шунингдек, уларда альдостероннинг миқдори назорат гурухи кўрсаткичларидан ишончли юқорилиги қайд этилди ( $p<0.001$ ). Ҳамда қон отиш фракцияси сакланган ва оралиқ беморларда унинг миқдори яққол юқорилиги аникланган. СЮЕ мавжуд беморларда миокардиал фиброз жараёнларини англатувчи Г-3 ва альдостеронни чап коринча қон отиш фракцияси оралиқ ва паст гемодинамик типларида яққол ошиши ва уларни касалликнинг оғирлик даражаси билан ҳамоҳанглигини кўрсатади.

**СРАВНИТЕЛЬНОЕ ИЗУЧЕНИЕ ПОКАЗАТЕЛЕЙ АЛЬДОСТЕРОНА И ГАЛЕКТИНА-3 ПРИ  
КАРДИОРЕНАЛЬНОМ СИНДРОМЕ**

**М. Б. Сайфуллаев, А. Г. Гадаев, Р. И. Туракулов**

Ташкентская медицинская академия, Ташкент, Узбекистан

В данной статье оценивается роль альдостерона и галектина-3 в развитии фиброзных процессов при кардиоренальном синдроме, развившемся на фоне хронической сердечной недостаточности (ХСН). У всех трех групп больных, находившихся под наблюдением, установлено статистически значимое повышение ( $r<0,05$ ), по сравнению с референсными значениями концентрации галектина -3 ряда нейрогормонов, участвующего непосредственно в поддержании обмена коллагена в организме. Наряду с этим, установлено статистически значимое повышение концентрации альдостерона у больных основной группы по сравнению с контрольной группой ( $r<0,001$ ). Также, отмечалось значительное повышение его концентрации у пациентов с низкой и промежуточной фракцией выброса ХСН. Таким образом, у больных ХСН с промежуточной и низкой фракцией выброса левого желудочка установлена достоверно повышенная концентрация галектин-3 и альдостерона, свидетельствующих о процессах фиброза миокарда, и корреляция их с тяжестью заболевания.

**COMPARATIVE STUDY OF ALDOSTERONE AND GALECTIN-3 INDICATORS  
IN CARDIORENAL SYNDROME**

**M. B. Sayfullaev, A. G. Gadaev, R. I. Turakulov**

Tashkent medical academy, Tashkent, Uzbekistan

This article evaluates the role of aldosterone and galectin-3 in the development of fibrotic processes in cardiorenal syndrome that developed against the background of chronic heart failure. In all three groups of patients under observation, a statistically significant increase ( $r<0.05$ ) was found, compared with the reference values of the concentration of galectin-3 of a number of neurohormones, which is directly involved in maintaining collagen metabolism in the body. Along with this, a statistically significant increase in aldosterone concentration was found in patients of the main group compared with the concentration in patients of the control group ( $r<0.001$ ). Also, there was a significant increase in its concentration in patients with low and intermediate ejection fraction of CHF. Thus, in patients with intermediate and low left ventricular ejection fraction of hemodynamic types of CHF, a significantly increased concentration of galecten-3 and aldosterone, indicating the processes of myocardial fibrosis, was established, and their correlation with the severity of the disease.

**Кириш.** Сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) ва у билан боғлиқ бўлган кардиоренал синдромда гиперальдостерозмни юзага келишида ренин ангиотензин альдостерон тизими (РААТ) ҳамда унинг таркибий қисмларини фаоллашуви жигарда альдостерон клиренсини секинлашиши ҳам сабаб бўлади. Оқибатда альдостероннинг плазмадаги ярим ҳаёт даври сезиларли даражада, яъни 30-35 дақиқадан 70-100 дақиқага ошади ва қон зардобидаги гормоннинг миқдори 3-4 баробар кўпайиб кетади [4]. СЮЕ мавжуд беморларда гиперальдостеронизм фибробластлар пролиферацияси, коллаген синтези ва деградациясини бузилиши, тўқума ўсиш омили, матрикс металлопротеиназа ҳамда унинг тўқума ингибитори ферментатив тизимига таъсир қилиб юрак қон-томир тизими, жигар ва буйракда органик (фиброз) ўзгаришлар ривожланишини янада кучайтиради [7].

СЮЕ юракдаги ўзгаришлар билан параллел равища гипоксия, гемодинамик ва бошқа қатор омиллар таъсирида буйракда ҳам фиброз жараёнлар ривожланади.

Юкорида келтирилганидек РААТнинг таркибий қисмлари чегараланган ҳолда турли аъзолар, шу жумладан, буйрак тўқималарида ҳам синтезланиши ишончли далиллар билан исботланган. Умумий қон тизимида уларнинг фаоллиги паст бўлса ҳам нишон аъзоларни, шу жумладан буйракни заарланиши айнан шу сабаб билан тушунтирилади. Буйракда РААТни чегараланган фаоллашуви подоцитларга заарловчи таъсир кўрсатади ва унинг дисфункцияси олиб келади. Подоцитлар томонидан АТ II ишлаб чиқарилиши профибротик таъсир кўрсатувчи трансформацияловчи ўсиш омили - $\beta$ 1 (TGF- $\beta$ 1), реактив кислород радикалларини, механик чўзилишни фаоллаштиради [10].

РААТ таркибий қисмларини буйрак ичидаги чегараланган фаоллашуви нефропатия ривожланишида муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатса ҳам жараёнларда АТ II иштироки мукаммалроқ ўрганилган. Лекин унинг таркибий қисми альдостеронни таъсири тўғрисидаги маълумотлар етарли эмас [1].

СЮЕ нейрогуморал омиллар, хусусан РААТ ва унинг таркибий қисми альдостеронни фаоллашуви юрак ва буйракда фиброз жараёнларни параллел ривожланишига, бинобарин кардиоренал синдром кучайишига олиб келади.

Ички аъзолардаги фиброз жараёнларини аниқлашни энг ишончли усули биопсия ҳисобланади. Лекин у инвазив ва травматик бўлганлиги сабабли беморларнинг ҳаёт даврида ўтказиш қатор мураккабликлар туғдиради. Шу сабабли аъзолардаги, жумладан юрак ва буйракдаги фиброз жараёнларни аниқлашда унинг маркерларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Сўнгги йилларда ўтказилган тадқиқотларда қон зардобидаги галектин-3 юрак қонтомир касалликларида бириктирувчи тўқиманинг заарланиши ва фиброз жараёнларини ривожланишида муҳим ўрин тутиши қайд этилиб, уни коллаген тизими, миокардиал фиброз ва юрак ремоделланишини ифодаловчи биологик маркер сифатида амалиётда кўллаш тавсия этилган [2, 11].


**Мақсад.** СЮЕ негизида ривожланган кардиоренал синдромда фиброз жараёнлари ривожланишида альдостерон ва галектин -3ни тутган ўрнини баҳолаш.

**Тадқиқод манбаси ва усуллари.** Тадқиқод манбаси сифатида Тошкент тиббиёт академияси кўп тармокли клиникаси кардиореанимация, кардиология ва кардиореабилитация бўлимларида даволанадиган 60 нафар СЮЕ NYHA бўйича II-III ФС негизида ривожланган кардиоренал синдромга чалинган беморлар ташкил қилдилар. Улар чап қоринча қон отиш фракцияси кўрсаткичлари бўйича сақланган оралиқ ва пасайган гурухларга ажратилдилар ва мос равища 20 нафар беморлардан иборат бўлдилар. Биринчи гурухни 20 нафар (ўртacha  $58,3\pm1,2$  ёш, 9 эркак ва 11 аёл) чап қоринча қон отиш фракцияси (ЧҚҚОФ) ( $<40\%$ ) паст, иккинчи гурухни 20 нафар (ўртacha  $57,4\pm1,1$  ёш, 12 эркак ва 8 аёл) ЧҚҚОФ (41 - 49%) оралиқ, учинчи гурухни 20 нафар (ўртacha  $56,7\pm0,8$  ёш, 8 эркак ва 12 аёл)

## 1 жадвал

Кардиоренал синдром мавжуд bemorlarning klinik tavsifi.

Кўрсаткичлар	Жами, n=60	1 – гурух ЧҚҚОФ паст n=20	2 – гурух ЧҚҚОФ оралиқ n=20	3 – гурух ЧҚҚОФ сақланган n=20
Ёши, йил	$57,1\pm1,4$	$58,3\pm1,2$	$57,4\pm1,1$	$56,7\pm0,8$
Жинси, эркак/аёл	29/31	9/11	12/8	8/12
Тана вазни индекси, кг/ $m^2$	$31,9\pm0,8$	$32,8\pm0,4$	$30,4\pm0,3$	$31,9\pm0,2$
СЮЕ давомийлиги, йил	$3,7\pm1,6$	$3,9\pm1,8$	$3,5\pm1,4$	$3,9\pm1,4$
Чап қоринча қон отиш фракцияси, %	$46,2\pm0,3$	$36,2\pm0,2$	$44,1 \pm0,3$	$58,2 \pm0,2$
Коптокчалар фильтрацияси тезлиги (КФТ, мл/мин/ $1,73m^2$ )	$52,6\pm1,2$	$49,3\pm1,2$	$56,2\pm1,4$	$52,4\pm1,1$
Коморбид касалликлар				
Кандли диабет	19 (31,7 %)	6(30 %)	8 (40 %)	5 (25 %)
Семизлик	22 (36,6%)	7 (35 %)	9 (45 %)	6 (30 %)
Камқонлик	10 (16,6%)	3 (15 %)	4 (20 %)	3 (15 %)



1 расм. Гурухлар ўртасида галактин-3 миқдорий күрсаткичи солиштирма таҳлили.

ЧҚҚОФ (>50%) сақланган СИОЕ негизида ривожланган кардиоренал синдром мавжуд беморлар ташкил этди. Тадқиқотга жалб этилган bemорларнинг клиник тавсифи 1 жадвалда келтирилган.

Организмда фиброз жараёнларини англатувчи Г-3 ва альдостерон биологик маркерлар иммунофермент таҳлил усулида, марказий гемодинамика күрсаткичлари ва миокард ремоделлениши ЭхоКГ усулида аниқланиб, олинган натижалар 10 нафар соғлом кўнгилли шахслардан иборат назорат гурухи күрсаткичлари билан таққосланди.

**Натижалар.** Кузатувда бўлган ҳар учала гурухдаги bemорларда организмдаги коллаген алмашинуви мувозанатида бевосита иштирок этувчи нейрогормон Г-3 миқдорий күрсаткичи референс күрсаткичлардан статистик аҳамиятли даражада юқорилиги аниқланди (1 расм).

1 расмдан кўриниб турибдики, ҳар учала гурухларда ҳам қон зардобидаги Г-3 миқдорини референс күрсаткичларга нисбатан юқори эканлиги кузатилди. 1 – гурухдаги bemорларда қон зардобидаги Г-3 миқдори мос равища 19,3 нг/мл (референс күрсаткичдан 2,3 баробар юқори) ни ташкил этди ( $p < 0,001$ ). Г-3 2 – гурухдаги bemорларда референс күрсаткичдан мос равища 2,6 (21,2 нг/мл) га ошган ( $p < 0,001$ ). 3 – гурухдаги bemорларда фиброз жараёнлари фаоллигини англатувчи ушбу биологик маркер референс күрсаткичдан 3,1 (25,4 нг/мл) га ошган ( $p < 0,001$ ).

Ўтказилган қатор тадқиқотларда СИОЕ мавжуд bemорларда миокарднинг ремоделланиши ва фиброз жараёнлари авж олиб боришида бевосита иштирок этувчи қон зардобидаги РАА тизимининг таркибий қисми бўлган альдостерон миқдорини ошиши қайд этилган бўлиб [8], биз ўтказган тадқиқотда ҳам барча bemорларда ушбу гормоннинг миқдори назорат гурухи күрсаткичларидан статистик аҳамиятли даражада юқорилиги аниқланди ( $p < 0,001$ ) (2 расм).

Альдостерон 1 - гурух bemорларда референс күрсаткичдан мос равища 6,9 баробар (541,2 пг/мл), 2 - гурух bemорларда референс күрсаткичдан мос равища 7,5 баробар (586,7 пг/мл), 3 - гурух bemорларида референс күрсаткичдан мос равища 7,8 баробар (612,4 пг/мл) га ошганлиги қайд этилди.

Альдостерон 1 - гурух bemорларда референс күрсаткичдан мос равища 6,9 баробар (541,2 пг/мл), 2 - гурух bemорларда референс күрсаткичдан мос равища 7,5 баробар (586,7 пг/мл), 3 - гурух bemорларида референс күрсаткичдан мос равища 7,8 баробар (612,4 пг/мл) га ошганлиги қайд этилди.

2 расм. Гурухлар ўртасида альдостероннинг қон зардобидаги күрсаткичининг солиштирма таҳлили.

күрсаткичдан мос равища 7,5 баробар (586,7 пг/мл), 3 - гурух bemорларида референс күрсаткичдан мос равища 7,8 баробар (612,4 пг/мл) га ошганлиги қайд этилди.

**Мухокама:** Г-3 организмда фибробластлар пролеферацияси ҳамда I типдаги коллаген ишлаб чиқарилишини кўчайишида бевосита иштирок этади [3,5]. Бу жараён ўтказилган қатор тадқиқотларда ўз исботини топган бўлиб, бунда альдостерон қон томирларнинг

силлиқ мушак хұжайраларидаги минералокортикоид рецепторларни таъсирашы оқибатида Г-3 синтезланиши кучайғанлиги күзатылған. Бу эса жараёнда Г-3ни миокардда альдостерон индуцирланған фиброз ривожланишида оралиқ бўғин сифатида иштирок этишини англатади [6,9]. Шу билан бир қаторда Г-3 гемодинамик зўриқишлирга чидамлилиги, миокард фибрози, қоринчалар ремоделланиши ва буйрак дисфункциясининг эрта хабарчиси эканлиги билан бошқа биологик маркерлардан устун ҳисобланади [4,12]. Шунинг учун ҳозирги кунда Г-3 ни миокардиал фиброз ва юрак ремоделланишини англатувчи биологик маркер деб тан олинган ва ундан СЮЕ мавжуд беморларда касаллик хавф омилларини саралаш, унинг кечиши ҳамда оқибатини белгилаш, даволаш самарадорлигини баҳолашда фойдаланиш мумкинлиги тавсия этилмокда [3,5].

Бизнинг тадқиқотимизга жалб этилган беморларда кардиоренал синдром мавжуд СЮЕ кон отиш фракцияси пасайишига ҳамоҳанг тарзда кон зардобидаги Г-3 миқдорини референс кўрсаткичлардан юқорилиги аниқланди. Хусусан Г-3 миқдори ЧҚҚОФ паст СЮЕ мавжуд 1-гурух беморларда назорат гурухи кўрсаткичларидан 19,3 баробар, ЧҚҚОФ оралиқ ва сақланган СЮЕ мавжуд 2- ва 3- гурух беморларда мос равишида 2,3 ва 2,6 баробарга юқорилигини кўрсатди. Шунингдек альдостерон кўрсаткичи гурухлар ўртасида назорат гурухига нисбатан мос равишида 6,9; 7,5 ва 7,8 баробарга юқорилиги ҳамда касалликнинг оғир даражаларида фиброз жараёнлари жадал тусдалигини англатади. Бу кўрсаткич биринчи гурухдаги беморларда кўпроқ организмдаги сурункали тизимли гипоксия ва секин кечувчи яллиғланиш ҳамда эндотелиал дисфункция, 2-3 гурухдаги беморларда фиброз жараёнларини яққол ривожланганигини англатади ва илгари ўтказилган тадқиқотлар хуносаларига мос келди [9].

**Хулоса.** Кардиоренал синдром мавжуд беморларда фиброз жараёнларини англатувчи Г-3 ва альдостерон кўрсаткичлари 1- ва 2- гурухларида яққол ошиши ва касалликнинг оғирлик даражаси билан ҳамоҳанглиги аниқланиб, касалликни кечиши ва ноxуш асоратлари ривожланишини баҳолашдаги башоратлашда аҳамиятга эга.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Вататун Н.Т., Шевелёк А.Н. Влияние коморбидных состояний на уровень альдостерона крови у больных с хронической сердечной недостаточностью с сохраненной систолической функцией левого желудочка // Кардиоваскулярная терапия и профилактика. – 2017. – №16(6). – С. 92 – 98.
2. Гямджян К.А., Максимов М.Л., Павлова Л.И. Клиническая ценность определения галектина - 3 у больных ХСН - сравнение с мозговым натрийуретическим пептидом в диагностике хронической сердечной недостаточности // Журнал сердечная недостаточность. – 2015. – Том-16. – С. 187 - 192.
3. Драпкина О. М. Оценка уровня галектина-3 у пациентов с гипертрофией миокарда левого желудочка на фоне метаболического синдрома // Артериальная гипертензия. - 2018. – Том- 24. - С. 272 - 280.
4. Кароли Н.А. Факторы риска развития неблагоприятных исходов у пациентов с хронической обструктивной болезнью легких и хронической сердечной недостаточностью // Кардиология. – 2018. Том- 58.- С.39 - 47.
5. Курлянская Е.К., Мрочек А.Г., Денисевич Т.Л., Колядка М.Г., Русских И.И. Прогностическая роль биомаркеров у пациентов с хронической сердечной недостаточностью // Кардиология. – 2020. - №60 (1). – С. 16 – 22.
6. Медведева Е.А. Березин И.И., Щукин Ю.В. Галектин-3, маркеры окислительного стресса и дисфункции почек у пациентов с хронической сердечной недостаточностью // Кардиология. – 2017. – Том- 57. – № 3. – С. 46 -50.
7. Терещенко С.Н. Патофизиология острой сердечной недостаточности. Что нового? // Российский кардиологический журнал. -2016. - № 9 (137). - С. 52 -64.
8. Хамитова А.Ф., Дождев С.С., Загидуллин Ш.З. и др. Значение сывороточных биомаркеров в прогнозировании развития сердечной недостаточности и смертности // Артериальная гипертензия. – 2018. – Том. 24, № 1. – С. 101 - 107.
9. Целуйко В.И., Лозовая Т.А., Сасюк О.С. Галектин - 3 как фактор риска неблагоприятных сердечно - сосудистых событий при долгосрочном наблюдении у больных с инфарктом миокарда правого желудочка на фоне Q-инфаркта миокарда задней стенки левого желудочка// Медицина неотложных состояний. - 2015. - № 6 (69). - С. 61 - 65.
10. Ernazarov M., Gadaev A., Turakulov R. Early diagnostics of cardiogenic liver damage in patients with chronic heart failure and estimation of the effectiveness of treatment with liverin //InterConf. – 2021.
11. Gadaev A.G., Turakulov R.I., Kurbonov A.K., Sabirov M.A., Sayfullaev M.B. Assessment of Erythropoietin Levels and Correlation with Cytokines in patients with Chronic Heart Failure // International journal of Pharmaceutical Research 13 (1) 2021 P. 713-720
12. Gadaev A.G., Turakulov R.I. Dynamics of cytokines and level of hepsidine in patients with chronic heart failure with anemia // European science review №3-4 P. 193-195
13. Gadaev AG, Turakulov RI, et al. "Assessment of Erythropoietin Levels and Correlation with Cytokines in Patients with Chronic Heart Failure." (2021).